

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2015 йил
24 июнь
ЧОРШАНБА
№ 50 (12790)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

«Бунёдкор» иш бошлади

ЁШЛАР ҲАР ЖАБҲАДА ФАОЛ

Бир неча йилларки, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил этадиган "Бунёдкор" ёшлар меҳнат ҳаракати лойиҳаси талаба ва коллеж ўқувчиларининг ёзги таътилдаги бўш вақтларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ ва маҳаллаларда вақтинча ишсиз бўлган йигит-қизларнинг бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда. Қувонарлиси, бунёдкорчилар сафи муттасил кенгайиб бораётди.

Хусусан, "Бунёдкор" ёшлар ҳаракати айни кунларда вилоятимизнинг туман ва шаҳарларида жадал иш олиб бораётди. Ҳозиргача тугатилган 39 та шундай меҳнат гуруҳлари 700 га яқин йигит-қизларни сафига бирлаштирган. Уларнинг 400 га яқини ижтимоий муассасаларни таъмирлаш ва реконструкциялашда жалб этилган бўлса, 180 дан ортиги қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асоси-



даги уй-жой қурилишида қатнашмоқда. Шунингдек, яна бир неча гуруҳлар аҳолига маиший хиз-

мат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги, таълим-тарбия соҳаларида ёрдамлашмоқда.

Меҳнат гуруҳларига мойси ва меҳнат муҳофа-қунгилли аъзо бўлаётган-засига катта эътибор ларнинг иш ва яшаш қаратилади. Масалан, шароити, ижтимоий ҳи-улар меҳнат тури ва

шарт-шароитдан келиб чиқиб махсус кийим-бош, бажараётган иш ва кўламага қараб маош, шунингдек, тураржой, тиббий хизмат ва иссиқ овқат билан таъминлангандилар.

Ҳозир туманимиз ёшларидан иборат учта меҳнат отряди ишламоқда, — дейди "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Янгийўл туман кенгаши раиси Маҳид Қаюмов. — Хусусан, бунёдкорчиларнинг бир қисми ижтимоий соҳа объекти-ри қурилишига ҳисса қўшмоқдалар. Ёзги таътилни фойдали меҳнат билан ўтказётган ёшларимиз қўшимча даромадга ҳам эга бўлмоқдалар.

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашидан маълум қилишларича, бунёдкорчилар сафи кенгайиб бормоқда. Шунга яраша, меҳнат гуруҳларида белгиланган режа асосида маданий-маърифий тадбирлар, кўнгилчор учрашув ва мулоқотлар ташкил этиш, қизиқарли танлов ва викториналар ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.

Абитуриент — 2015

ҚИЗҒИН ВА МАСЪУЛИЯТЛИ ПАЛЛА

Мамлакатимиздаги барча олий ўқув
юртларида 2015/2016 ўқув йили учун
қабул жараёни давом этмоқда

...Бу кун Аскар Нуров учун масъулиятли ва ҳаяжонли дамларни тўхфа этди. У ўз ҳаётидаги энг муҳим қарорлардан бирини қабул қилди: ўзи қизиққан касбни эгаллаш учун илк қадамни ташлади.

— Узув агросаноат касб-ҳунар коллежини тамомлаганман, — дейди Аскар. — Бугун Тошкент ирригация ва мелiorация институтининг сув хўжалигини автоматлаштириш ва механизациялаш факультетига ҳужжат топширдим. Мамлакатимизда барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалигида ҳам замонавий технологиялардан самарали фойдаланилмоқда. Ишлаб чиқаришнинг sanoatlashaётгани боис малакали кадрларга талаб кун сайин ортиб бормоқда. Ушбу даргоҳда ўқиб, сув хўжалигини механизациялаш соҳасида етук мутахассис бўлиб етишиш ниятидаман.

Мамлакатимизда ҳар бир шахснинг билим олиши, меҳнат қилиши ва эркин касб танлаши Конституциямизда кафолатланган. Мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш борасида амалга оширилётган кенг кўламли ислохотлар самарасида навқирон авлодда мутлақо янгича

тафаккур, ўқишга алоҳида масъулият ва иштиёқ шаклланди. Эндиликда ҳар бир йигит-қиз ўз келажагини пухта билим олиб, Ватан равақини, унинг гуллаб-яшнаши йўлида самарали меҳнат қилиш билан уйғун ҳолда кўрмоқда.

Бу мамлакатимизда ёшларнинг олий маълумотли бўлишига интилиши йил сайин ортиб бораётганида ҳам яққол намоён бўлаётди. Масалан, 2013 йили мамлакатимиздаги барча олий таълим муассасаларига 480 мингдан зиёд абитуриент ҳужжат топширган бўлса, 2014 йили 543 мингдан ортиқ йигит-қиз университет ёки институтда ўқиш иштиёқини билдирган.

Тошкент ирригация ва мелiorация институти қабул комиссияси масъул котиби Бахтиёр Худоёровнинг таъкидлашича, йигит-қизларнинг таълим олишга иштиёқи кучаяётганининг яна бир сабаби, олий ўқув юртларида таълим олиш, билимларини бойитиш,

(Давоми 2-бетда).

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«СОХТА ЖАВОБ КИМГА КЕРАК?»

Газетанинг шу йил 13 июндаги 47-сонида юқоридаги сарлавҳа остида чоп этилган мақолада Чиноз тумани тиббиёт бирлашмаси маъмурияти ўзига тегишли тахминан 10-15 тонна кўмирни вақтида ташиб олмагани, бунинг устига таҳририятга сохта жавоб хати йўллаганига эътироз билдирилган эди.

Таҳририят ушбу мақола юзасидан тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Ж. Носиров имзоси билан жавоб хати олди. Унда таъкидланишича, мақолада келтирилган камчиликлар ўз тасдиғини топди. Мақола Чиноз туман тиббиёт бирлашмаси йигилишида атрофлича муҳокама қилинди. Иссиқлик манбаи қорхонаси ва аввалги поликлиника биноси ўртасидаги майдонда қолган кўмир чиқиндилари тозаланди.

Йиғилиш

Вилоят ҳокимлигида "Вилоят халқ таълими тизими муассасалари фаолиятини самарали ташкил этишдаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими" тўғрисида Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг учин-

чи чакирик тўққизинчи сессиясида қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши бўйича оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

ТАВСИЯЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Кенг жамоатчилик билан вилоят халқ таълими тизими муассасалари фаолиятини самарали ташкил этишдаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари юзасидан фикр алмашиш ҳамда соҳани ривожлантиришда депутатлар билан ҳамкорлиги янада такомиллаштириш масалаларига эътиборни қўйишга қаратилган тадбирда, Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссия аъзолари, халқ таълими бошқармаси, санитария-эпидемиология назорати маркази, соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбарлари, шаҳар ва туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири, вилоят оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Йиғилишда таъкидланганидек, республика Президентининг "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш учун 2013-2014 ўқув йилида чет тилларини ўқитишни юқори савияда ташкил қилиш мақсадида умумтаълим мак-



табларида 1-синфлар учун 1552 та чет тили хоналари ташкил қилинди ҳамда керакли ўқув жиҳозлари билан таъминланди. 2013-2015 йиллар Давлат дастурига мувофиқ 2015 йилда 41 та таълим мактаблари қуриш, мукаммал ва капитал таъмирлаш тармоқ жадвалига киритилган, шундан 18 та таълим муассасасини мукаммал таъмирлаш учун 14 миллиард 518 миллион сўм, 21 та таълим муассасасини капитал таъмирлаш учун 12 миллиард 199 миллион сўм, 2 та янги қуриладиган таълим муассасалари учун 26 миллиард 264

миллион сўм маблағ ажратилган бўлиб, бугунги кунда лойиҳа ҳужжатлари тайёрланди ва тендер савдолари яқунлашиб, қурилиш-таъмирлаш ишлари бошланди. Анжуман якунида Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияси қарорларини бажариш юзасидан чора-тадбирлар белгиланиб, халқ таълими тизимидagi муассасалар фаолиятини самарали ташкил этишдаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.

Таҳририятга хат келди

Тўрт йил аввалги ариза бор экан...

Ўғлим Бекзод Эргашев 2008 йилдан бери Охангарон тумани, 3-кичик туман, 8-уй, 70-хонадонда яшайди. Фарзандларимиз билан келишиб, 3-кичик туманда жойлашган қорғоз қабул қилиш пункти орқасидаги бўш ерда, давлатимиз раҳбари айтганидек, кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида, дала дўкони, кундалик эҳтиёж моллари дўкони, савтарошхона, новвойхона ва қосибхона қурмоқчи, шу орқали 10-15 та иш ўрни яратмоқчи бўлдик. "Илок" маҳалла фуқаролар йиғини раҳбари билан келишиб, 2015 йил март ойида қўшма ариза билан туман ҳокимлигига чиқдик. Мендан Охангарон туман болалар спорт мактабига 400 минг сўм пул ўтказиб бериш-

ни илтимос қилишди. Айтилган маблағни спорт мактаби ҳисобига ўтказиб бердик...

Шундан кейин овозгарчилигимиз бошланди. Аризамиз ҳисобига бўлимига, сўнг кадастр бўлимига, нҳоят арихитектура бўлимига юборилди. Туман архитектура бўлими ҳужжатларни расмийлаштириб, "Тошкентбошплан"га жўнатиш учун 3 ой керак бўлди. Туман архитектори Рустам Юлбарисовга ҳар ҳафта телефон қилиб турдим, негаки, уни ҳокимиятдан топиб бўлмас эди. Бир кун у: "Тошкент вилояти "Тошкентбошплан"дан қарздор, шунинг учун "Тошкентбошплан" аризаларни кўрмаяпти", деди. Июнга келиб, туман архитектура бўлими ходими Улуғбек қўнғироқ қилиб:

"Аризангизга жавоб келди", деди. Туман ҳокимлигига 2-3 кун катнаб, вилоят архитектура бошқармасидан Муслимов имзолаган жавобни зўрға олдим. Жавоб аслида 2015 йил 4 майда келган экан... Лекин унда ерни бериш-бермаслик тўғрисида лом-мим дейилмаган.

2015 йил 12 июнь куни мазкур жавобни туман ҳокимлигининг умумий бўлимидан олиб чиқиб келаятганимда, туман архитектори Р. Юлбарисов билан учрашиб қолдим ва унга жавобдан қоникмаганимни, шу боис юқори ташкилотларга мурожаат қилмоқчилигимни айтдим. "Майли, юқори-мажбур", деди. Июнга келиб, деди-ю, ичкарига кириб кетди. Буни қарангки, айнан шу

куни туман ҳокимлигида Президентимизнинг кичик бизнес ва тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга оид янги Қарори муҳокама қилинаётган экан. 2015 йил 17 июнь кеч соат 22 ларда Р. Юлбарисов қўнғироқ қилиб, қандайдир Н. Абдурахмонова ўша ерни олиш учун 2011 йилда ариза берганини ва ўша аёл номига вилоят архитектура бошқармасидан "пакет" келганини айтди. Ҳужжатларни текшириб ўтирганида кўриб қолдим, энди менга билдириб қўяётганим. "Н. Абдурахмонова ким, қаерда туради?" десам, "Қаердан биламан, аввал ёрдамчим бўлган" деди. "2011 йилда берилган ариза 4 йил ўтгандан кейин қандай пайдо бўлди, нега уч

ой олдин бу ҳақда ҳеч ким бизни оғохлантирмади?" деган саволларимга жавоб бермай, телефонни ўчириб қўйди. Биз дуч келган бу ҳолат айрим раҳбарларнинг ўз ишига масъулиятсизлигини ёки Президентимиз фармонлари, ҳукумат қарорлари ва амалдаги қонунларни менсимаслигини қандай баҳолаш мумкин? Энг муҳими: ушбу масалада бизга ким ёрдам беради? ҲАБИБУЛЛА ЭРҒАШЕВ, Оққўрғон тумани, "Қахрамон" ф/у, Ўзбекистон кўчаси, 18-уй.

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртида ёш офицерларнинг навбатдаги битирув маросими бўлиб ўтди.

ЛЕЙТЕНАНТЛАР ХИЗМАТГА ЙЎЛ ОЛДИ

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, битирувчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида ҳарбийларнинг юқори профессионал қобилияти ва малакасини ошириш, уларнинг интеллектуал савиясини ҳар томонлама юксалтиришга қаратилган офицер кадрлар тайёрлаш тизими Қуролли Кучларимиз таркибини сифат жиҳатдан бутунлай ўзгатириш ва уларни бугунги кун талабларига жавоб берадиган, пухта тайёргарлик, замонавий фикрлаш қобилиятига эга офицерлар билан тўлдириш имконини бераётгани таъкидланди.

Мазкур ишлар самарасида мамлакатимиз Қуролли Кучлари офицерлар таркиби дунёқараши кенг, билим ва тажрибаси юқори, маънавий-ахлоқий фазилати юксак, мантйқий фикрлаш қобилиятига эга бўлган малакали мутахассислар билан бойинмоқда. Олий ҳарбий таълим муассасаларида илгир ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги замонавий ютуқлардан фойдаланган ҳолда, ўқув жараёнига инновацион усуллар жорий этилаётгани ҳарбий кадр-

лар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этаётди.

Олий ҳарбий таълим муассасаларида кадрларни илгир тажриба, замонавий методлардан фойдаланган ҳолда ўқитиш тизими жорий этилган. Ўқув-тарбиявий жараёнлар янги техник ва маънавий-ахлоқий асосда йўлга қўйилгани бўлажақ офицерларни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётди.

— Болалиқдаги ҳарбий бўлиш орзуим коллежда "Ҳақирувга қадар бошлангич тайёргарлик" фанини ўқиб-ўрганиш асосида аниқ мақсадга айланди, — дейди самарқандлик Ғофур Бокриев. — Мақсадимга эришиш учун кўп қийинчиликларни энгиб ўтишга тўғри келди. Тўрт йил аввал олий ҳарбий таълим муассасасида ўқиш бахтига муяссар бўлганимда бир қувонган бўлсам, бугун офицерлик либосини кийганимдан минг қувонмоқдаман. Олган билим ва кўникмаларимни Ватанимизнинг мудоом шундай тинч бўлиши учун сафарбар этаман.

Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти ҳарбий оркестри жамоасининг концерт дастури тадбирга алоҳида завқ бағишлади.

Б. ХИДОЯТОВ,
ЎЗА мухбири.

Маънавият

Оғудан эмас, ҲАЁТДАН ЗАВҚ ОЛИНГ!

Ёшлик — умрнинг гул фасли. Афсуски, унинг қадрини билмайдиганлар, бесарҳад орзу-умидлар қуртак очадиган олтин фурсатларини, йигитликнинг шуқулди оларини кўра-била туриб, нафс ботқоғига гарқ этадиганлар бор.

... Орзумуроднинг ота-онаси ўғлига бежиз бундай исм қўйишмагандир. Уч қиздан кейин туғилган ўғлига умид боғлаб, орзулари, мурод-мақсадлари рўёбини шу фарзанди камолида кўришни истаганлар эҳтимол? Лекин, ҳаёл бoshқа ҳаёт бoshқа экан.

У билан бундан уч йил муқаддам, пойтахтдаги наркология диспансерида, худди шу мавзуга доир мақола ёзиш баҳонасида қўришгандим. Ўзи шундоқ ҳам азоб чекаётган йигит билан суҳбатлашди, ярасини аниқлаш оғир. Шунданми, тил топишимизни анча қийин кечанди. Тафсилотларга берилишга ҳоҳат йўқ. Аммо шу нарса аён бўлдики, балоғат ёшида қасосбонлиқни бошлаб, қўли пул қўрган бўз йигит гнётхондлик қўчасига кириб, толган "бисот"и фақат афсус ва армон бўлибди. Унинг мана шу гаплари ҳануз қулоғимда қолган: "Ҳаши инсонлар кўп экан, дунёда. Шуларнинг кўмаги, йўл-йўриғи иродани тоблади, мана, даволашмаганди."

(Давоми 2-бетда).

Абитуриент – 2015

ҚИЗГИН ВА МАСЪУЛИЯТЛИ ПАЛЛА

зарур маърифий манбаларни топиш учун ахборот-ресурс марказларининг энг сўнгги технологиялар билан таъминланган, талабалар турар жойларида яшаш учун қўлай шароитлар яратилганлигидир.

Президентимизнинг 2011 йил 20 майдаги "Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш тўғрисида"ги Қарори асосида мазкур институт фаолияти ҳам жаҳон андозалари даражасида ташкил этилган. Таълим сифатининг юқорилиги қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасига қизиққан ёшларни ўзига жалб этмоқда.

Ўтган йили гидромелиорация, сув хўжалигини автоматлаштириш ва механизациялаш, сув хўжалигини бошқариш ва

(Давоми. Боши 1-бетда).



унинг иқтисодиёти, ердан фойдаланиш ва ер кадастри, ирригация гидро-техник иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш факультетларида тахсил олиш учун абитуриентлардан 8046 ариза тушган. Бу йил ўқиш истагида бўлган ёшлар янада ортини кутилмоқда.

...Тошкент ахборот технологиялари университети ҳам ҳужжат топширишга аҳд қилган, ўз билимига ишончи мустаҳкам

ёшлар билан гавжум.

Мазкур олий ўқув юртида телекоммуникация технологиялари, ахборот тизимлари ва компьютер тармоқларини бошқариш, дастурий таъминот ишлаб чиқиш ва бошқа йўналишлар бўйича халқаро стандартлар даражасидаги юқори малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Таълим муассасамизда қабул комиссиясининг

фаолияти, абитуриентлардан қабул қилинган ҳужжатлар ҳамда бошқа зарур қўлланма маълумотларни жойлаштириш учун махсус эълон тахталари ташкил этилган ва улар ҳар кун янгилаб борилмоқда, дейди университет қабул комиссияси масъул котиби Зафар Ҳасимов. – Фуқароларнинг муносабатларини қабул қилиш ва уларга тезкор жавоб бериш мақсадида комиссиянинг "ишонч телефонлари" ишлаб турибди.

Шу ернинг ўзида абитуриентларга ҳужжат топшириш жараёнида зарур бўладиган ўқув қуроллари савдоси, суратга олиш, овқатланиш, кутувчиларнинг дам олиши учун махсус жойлар ташкил қилинган университетида бу борада катта тажриба тўпланганидан далolat беради.

Компьютер инжиниринг факультетида ҳужжат топширдим, дейди зан-

гиоталик Зулфия Маликова. – Мактаб ва коллежда олган билимларим қўл келишига ишонаман. Талабалик бахтига, албатта, тинимсиз ўқиб-изланган, ўз билимига ишонганлар мушарраф бўлади. Мамлакатимизда ўқишга кириш синовларини ўтказиш бўйича самарали тизим жорий этилганидан хурсандман. Зеро, замонавий илм-фан, таълим ва ахборот технологияларига асосланган ҳолда амалга ошириладиган тест синовлари ҳар бир абитуриентнинг билим даражасини аниқ ва ҳолисона баҳолаш имконини беради.

Хуллас, олтин давр оstonасида турган ёшлар учун қизгин ва айни пайтда масъулиятли палла бошланди. Абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилиш жараёни жорий йилнинг 20 июлига қадар давом этади.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА МУХБИРИ.

2015 йил – Кексаларни
эъзозлаш йили

САЛОМАТЛИК КУНЛАРИ

Кекса нуруний отахон ва онахонларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда Бекобод тумани Меҳнатобод қишлоғида "Кексаларнинг фаровон ҳаёти учун масъулимиз!" лойиҳаси доирасида саломатлик кунларини ташкил этди.

Тадбир доирасида тумандаги ёлғиз кексалар, ногирон, боқувчисини йўқотган отахон ва онахонлар, уруш ва меҳнат фахрийлари чуқурлаштирилган бепул тиббий кўрикдан ўтказилди. Акция давомида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий кенгашларга сайланган депутатларнинг кўчма жамоатчилик қабулхонаси фуқароларни қабул қилди.

Саломатлик кунлари вилоятнинг барча туманларида ташкил этилмоқ-

да, дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши раис ўринбосари Меҳрош Дархон. – Кекса отахон ва онахонлар ўз худудларидаги ҚВПларда вилоятдан ташриф буюрган шифокор мутахассислар ёрдамида ўз соғлиқларини тиклашмоқда.

Тадбир сўнггида уруш ва меҳнат фахрийлари, маҳалла фаоллари, партиянинг эсдалик совгалари тақдим этилди.

Наргис ҲАСАНОВА.

ҚАРИСИ БОР УЙНИНГ ПАРИСИ БОР

"Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида Конституциямиз қабул қилинганлигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Президентимиз 2015 йили "Кексаларни эъзозлаш йили" деб эълон қилар экан, "Қариси бор уйнинг париси бор", "Қариялар – хонадонларимизнинг фойзи ва фариштаси" деган мақол ва ҳикмати сўзларимизда чуқур маъно бор. Ҳақиқатан ҳам, қариси хонадонда нуруний отахон ёки онахон бўлса, бу оилада, албатта, фойзу барака, фаровонлик, аҳиллик бўлишини барчамиз яхши биламиз", дея таъкидлаган эди.



Бугун 60 ёшдан ошган 2 миллион 873 мингдан зиёд кексаларимиз хонадонларимизга фойзу барака, фаровонлик, аҳиллик бағишланмоқда. Яна 225 мингта 80 ёшдан, 44 мингта 90 ёшдан, 8700 нафар 100 ёшдан ошган табаррук қариялар давлатимиз тинчлиги ва халқимиз хотир-жамлиги учун дуога қўл очиб, ҳозирги дориламон кунларга шукрона қилиб, эътибор ва эъзозда ҳаёт кечирмоқда. Уларнинг 3 минг 109 нафари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, 69 минг 994 нафари фронт ортида меҳнат қилган отахон-онахонлардир.

Мамлакатимизда ҳар бир йилга тараққиётнинг муҳим йўналишларини ифода этадиган ном бериш анъанага айланган. Долзарб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш учун тегишли давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, йил давомида амалга оширилмоқда.

Шукурат ИСРОИЛОВ,
Яккасарой туман
1-давлат нотариал
идораси нотариуси.

Семинар

Бўка туманидаги агросаноат ва касб-хунар коллежида "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида"ги Дастур ижроси доирасида "Ўқувчи-

ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган ишларни тизимли ташкил этиш ва самарадорлигини ошириш" мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

ЖАМОАТЧИЛИК, ОИЛА, ОТА-ОНА МАСЪУЛИЯТИ



Унда вилоят ҳокимлиги, прокуратура ва ички ишлар бошқармаси, халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунар таълими, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Қамолот" ЁИХ вакиллари, вилоят шахар ва туманлари ҳокимлари ўринбосарлари, хотин-қизлар кўмиталари раислари катнашди.



Тадбирда "Таълим тўғрисида"ги Қонун ижроси, ўқувчи-ёшлар таълим-тарбиясидаги камчилик ва муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари ҳақида маърузалар тингланлиб, дахлдор шахслар фаолияти таҳлил этилди. Шунингдек, болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда кенг жамоатчи-

лик, оила, хусусан ота-она масъулияти ҳақида сўз борди.

Семинар ишини вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиёва олиб борди.

Барно ЖАБОРОВА, коллеж маънавият ва матурият ишлари бўйича директор ўринбосари.

Маънавият

Бу йўлдан батамом қайтаман, деб аҳд қилганман. Ўтган саккиз йил умримнинг энг бебаҳо онларини ҳавога учирди. Топганимдан йўқотганимнинг чандон кўп бўлди. Отам юрак хуружидан эрта ўтиб кетди, онам қанд касалини ортирди. Севиб уйланган аёлим тирик бевага айланди. Икки фарзандимнинг кўнгли ўқик. Армонга тўла ҳаётимни, пароканда бўлган рўзгоримни ўйласам, "дод" дегим келади. Шу кўчага кирган кунимга лаънатлар ўқийман. Бир лаҳзалик қайғимнинг баҳоси шу қадар "қиммат" экани, эвазига соғлигининг, ҳаётининг, ота-онанг ва жондан азиз фарзандларининг қурбон қилишининг тўғри келаркан...

Бу аслида Орузмунродиннинг эмас, бугун "аср вабоси"га айланган гиёҳвандлик иллати домига тушган неча-неча кўнгилларнинг изтироб тўла надоматидир. Зотан, бу заҳри қотил бугун ер юзига миллионлаб одамларнинг ёстигини қуритмоқда, умрига зомин бўлмоқда. Бутун дунёда, шу билан бир қаторда, юртимизда ҳам бу балои офатга қарши кескин зарбалар берилмоқда, жиддий кураш олиб борилмоқда. Лекин, минг афсуски, илдиз отган қабохат хануз айрим иродаси суст, хали ҳаёт сабоқларидан беҳабар енгилтак одамларни йўлдан урмоқда, жарга етакламоқда. Таъбир жоиз бўлса, парвонасифат бундай кимсалар чироқ нурига мафтун бўларкану, қуйиб қўлишини ўйламаса...

Нафси ҳақкалак отган, жирканч ва манфур йўллар билан бойлик орттиришни касб қилган кимсалар эса миллат келажига ҳафс солувчи, жамиятга бахтсизликлар олиб келувчи иллатни зўр бериб тарғиб қилмоқда, унинг илдиз отиши, кенг қулоч ёзишига эришиш учун ҳеч нимадан ҳазар қилмаяптилар.

Гиёҳванд моддалар контрабандасига оид бир қанча ҳужжатли фильмларни кўрганимиз, матбуот нашрларида ўқиганимиз. Уларда бойлик илмининг бундай қабих йўлга кирган шов-возларнинг минг бир хийлаи аъмоллари акс этган. Барида оғуруруш "қимматлироқ мол"ни чақмоқдан тарвуз орасига яшириб ўтса, барида этгининг пошнасига беркитади. Эҳ-ҳе, бу

(Давоми. Боши 1-бетда).

ОҒУДАН ЭМАС, ҲАЁТДАН ЗАВҚ ОЛИНГ!



татбиқ этилмоқдаки, буларнинг барчаси жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга хизмат қилаётган.

Гиёҳвандликнинг инсон саломатлигига бирламчи зарари ҳақида шифокор Нигора Соатов ва мулоҳазалари:

– Гиёҳвандликнинг инсон танасига кирган, ичаклар орқали сўрилиб, қон айланиш йўли билан жигарга етиб боради, натижада жигар ҳужайралари шикастланиб, цирроз касаллиги авж олади. Бу жараён тўхтовсиз давом этиши оқибатида, жигар тораёйиб, қуруқлашиб қолади. Фаолияти батамом издан чиқади. Шу тариқа заҳарли моддалар марказий асаб тизимига қадар етиб боради. Табиийки, асаб тизими зарарланган, беморнинг кўриш, эшитиш, ҳид билиш, фикр юритиш, сезиш қобилияти йўқолади, асаб ҳужайралари ҳаракати ҳам издан чиқади, танада кучли тортишиш ҳолати кузатилади, охир-оқибат одамни гиёҳванд моддаларсиз яшай олмайдиган қилиб қўяди.

Кези келганда таъкидлаш лозимки, бу балои офат муқаддас динимизда ҳам кескин қораланади. Негаки, Исламнинг барча кўрсатмалари одамлар орасида ўзаро меҳр-оқибат, инсоф-адолат, эзгулик, одоб-ахлоқ, катта ҳурмат, бирдамлик каби фазилатлар заминига қурилган. Бинобарин, динда ҳалол ва ҳаром деган тушунчалар юксак моҳият касб этган. Айниқса, инсон танасига жонига зарар етказувчи, улугъ неъмат ҳисобланмиш ақлни заифлаштирувчи, танани бўшаштирувчи нарсалардан қайтариш зарур. Ҳадиси шарифларда "Исламда ўзига ҳам ўзгаларга ҳам зарар етказиш йўқдир", дея эки қилинган ҳам шундан далolat беради.

"Жондин сени кўп севармен, эй, умри азиз", демишлар ҳазрат Навоий. Дарҳақиқат, умр ўлчолик, бебаҳо неъмат. Шундай экан, ҳаётни севиш, ундан лаззатланиб яшашга нима етсин.

Мансур МУРОДОВ.

АЁЛЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Бекобод шаҳар хотин-қизлар кўмитаси "Тадбиркор аёл" уюшмаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди шаҳар бўлималари ва ЎзЛидеП шаҳар кенгаши ҳамкорликда вақтинча иссиқ аёллар учун "Оилавий тадбиркорликдан мустаҳкам оилга" мавзусида давра суҳбати ташкил этди.

Тадбирда иссиқ аёлларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, уй меҳнати ва оилавий тадбиркорликни ташкил қилиш, бошловчиларга молиявий ёрдам кўрсатиш, хусусан банк кредити олишга қўмақлашиш каби масалаларга оид суҳбатлар қизғин кечди. Аёллар бандлигини таъминлашда ҳамкор ташкилотларнинг ўрни, айнақса касб-хунар коллежлари битирувчилари бўлган қишлоқларни иш билан таъминлаш хусусида ҳам фикрлашиб олинди.

Тадбиркорларга хизмат кўрсатуви идоралар мутахассислари давра суҳбати иштирокчиларини қизиқтирган саволларга афғонча жавоб бердилар. Каримқул БОБОҚУЛ ўғли.

бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан биринчи марта бўйин товлаган, жиноят аниқлангандан кейин 30 кун ичида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қоплаган, пеня ва бошқа молиявий санкцияларни тўлаган шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилмайди ва у жавобгарликдан озод қилинади.

Якка тартибдаги тадбиркорларга, фаолиятидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ёлланган ишчи уюм Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридан сугурта бадал ва яқин тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун ўрнатилган ставканинг 30 фоизи миқдоридан каттиқ белгиланган солиқ тўлаш шарти билан уч нафаргача қилиб ёллаш ҳуқуқи берилади.

Якка тартибдаги тадбиркорлар касб-хунар коллеж битирувчиларини ишга ёллаганда коллежни битиргандан бошлаб ўн икки ой мобайнида ёлланма ишчилар учун қатъий белгиланган солиқдан озод этилади.

А. САТТОРОВ,
вилоят адлия
бошқармаси
тадбиркорлар
хуқуқларини ҳимоя
қилиш бўлими
бош масъулхатчиси.

Қарор ва ижро

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИККА ОИД ИМТИЁЗ ВА УЛАРНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Мамлакатимиз Президентининг "2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги Қарорига асосан молия ва банк, маиший ва бошқа ижтимоий хизматлар фойда солиғи ва ягона солиқ тўловидан 2017 йил 1 январгача озод қилинган. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларидан чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни қўлайитиш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан айрим фаолият турларига имтиёзлар берилган. Жумладан, рес-

публика "Ўзонасчилик" ва бошқа наслчилик корхоналари асосий фаолият тури бўйича барча солиқлар ва давлатнинг мақсадли жамғармалари ҳамда таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар, фермер хўжаликлари ва чорвачилик фермалари чорвачилик маҳсулотлари, хусусан, қайта ишланган маҳсулотларни сотиш тушумидан, давлатнинг мақсадли жамғармалари ҳамда таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига ажратмалар тўлашдан 2017 йил 1 январга қадар озод қилинган.

Давлатимиз раҳбарининг "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида асосан 2015 йилнинг 1 июлидан бошлаб, микрофирма, кичик корхона ва фермер хўжаликлари фаолиятига оид барча текширувлар назорат органлари томонидан тўрт йилда бир мартадан, бошқа хўжалик субъектларида эса фақат Назорат қилувчи органлар фа-

лаштирилган тизимини қўллайдиган субъектлар учун), маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғи тўлашдан озод қилинган.

Давлатимиз раҳбарининг "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида асосан 2015 йилнинг 1 июлидан бошлаб, микрофирма, кичик корхона ва фермер хўжаликлари фаолиятига оид барча текширувлар назорат органлари томонидан тўрт йилда бир мартадан, бошқа хўжалик субъектларида эса фақат Назорат қилувчи органлар фа-

"Universal Realtor" МЧЖ 2015 йил 26 май куни бўлиб ўтган очиқ аукцион савдоларида "Energoqurilishindustriya" Унитар корхонасига қарашли Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Искандар ҚФЙда жойлашган бошланғич баҳоси 935 428 000 сўм бўлган керамзит заводи цехи "КЗ-125" бино-иншоотлари ва ускуналари 976 000 000 сўмга сотилганини маълум қилади.

ағса тўлаш-
қўрсатилган
керак: жис-
рт нухаси;
руйхатидан
г вуғхнома
ахс катнаш-
смилллати-
ахсини тас-
а қилнган
лиги ҳақида
қил ва жис-
благларнинг
тасдиқлай-
хизматлар
ди. Манзил:
тор кўчаси,
-143, e-mail:
uz.
0173.

Болалар ёзи – 2015

ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТМОҚДА

Янгийўл туманидаги 70-ихтисослаштирилган ёрданчи мактаб қошида ташкил этилган оромгоҳда имконияти чекланган 50 дан зиёд ўқувчи ёзги таътил кунларини мароқли ўтказмоқда.

Туман ҳокимлиги ва халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ташаббуси билан оромгоҳда болаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида фан, бадий ижодиёт, спорт-соғломлаштириш тўғрисида фаолияти йўлга қўйилди. Айниқса, китобга бой ахборот-ресурс хонаси, мунтазам ташкил этилаётган мусобақа ва тўғарак машғулоти болалар билимини мустаҳкамлаш ва қизиққан хунарларини ўргатишда қўл келмоқда.

– Болаларнинг ҳар бир кунини мазмунли ўтиши учун қўллаб маънавий-маъри-



фий, кўнгилочар тadbирлар ўтказаяпмиз, – дейди мактаб директори Шоира Ҳусанбоева. – Ўқувчиларга таърибли ўқитувчилар бириктирилган. Болалар дам олиш билан бирга турли танлов, беллашувларда фаол иштирок этмоқда.

Оромгоҳда ташкил этилган инглиз тили тўғрагида ўғил-қизлар катта қизиқиш билан шугулланишмоқда.

– Оромгоҳда яратилган шарт-шароит менга жуда ёқди, маза қилиб дам олаяпман, – дейди 8-синф ўқувчиси Зарина Одилова. – Инглиз тили

тўғрагида сўз бойлигимни ортиши ва талаффузи равон бўлиши учун машғулотлар яхши самара бермоқда.

Муқаддас ИСРОИЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.
Комила ИКРОМОВА
олган сурат.

Металлурглarning 310 дан зиёд фарзандлари ҳамда Чирчиқ шаҳридаги "Мурувват" уйининг 10 тарбияланувчиси Бўстонлик туманидаги "Ёшлик" болалар оромгоҳига дам олиш учун жўнаб кетишди.

СЎЛИМ ОРОМГОҲ ҚЎЙНИДА

Бу йил оромгоҳда тўрт босқичда 1200 дан зиёд ёшлар ёзги таътилни мароқли ўтказиш режалаштирилган. Мавсум олдинда Ўзбекистон металлургия комбинати раҳнамолигида оромгоҳ энг замонавий андозаларга мос меъморчилик талаблари даражасида таъмирланди. Ётоҳоналарда барча қулайликлар мавжуд. Ўқув хоналари энг замонавий мебель, компьютер, спорт анжонлари билан жиҳозланган. Очиқ ва ёпиқ сузиш ҳавзаси, ёпиқ стадион, спорт мажмуаси, аквапарк, сунъий қўл, сув аттракционларидан иборат ўйин майдончаси, ҳайвонот олами бурчаги болаларнинг энг сеvimли масканига айланган.

Бу ерда болаларнинг ҳар бир кунини таассуротларга бой ўтиши учун турли қизиқарли тadbирлар, кўнгилочар ўйинлар ташкил этилмоқда. Театр ва санъатга қизиқиши бор, қобилиятли ўғил-қизлар "Кўнгирчоқ театри"да роллар ижро этишади.

Дам олувчилар учун ташкил этилган "Оромгоҳдан гапиримиз" радио тўғраги орқали ҳар кунлик "Оромгоҳ ангеликлари", "Оромгоҳ ёшлари ижодидан", "Туғилган кун муборак" каби турли тadbирлар ёритиб борилади. Тажрибали мураббий ва тарбиячилар, етакчи ва тўғарак раҳбарлари болаларнинг қизиқишларини инобатга олиб, бўш вақтларини мароқли ўтказишлари учун турли мавзуларда машғулотлар олиб боришади.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.



КАТТАЮ КИЧИК УЧУН ХОТИРА ТУРНИРИ

Қибрай туманида спортчи Илҳом Ортиқов хотирасига бағишлаб шахмат турнири ўтказилди. Унда вилоятимиз шахар, туманларидан ҳамда Андижон, Жиззах, Навоий вилоятларидан вакиллар қатнашди.

Ёш танламайдиган ушбу беллашувада 7 дан 70 ёшгача бўлган шахмат ихлосмандлари маҳоратларини намойиш этидилар.

– Бу турнирнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у ақлни чархлайди, – дейди шахмат бўйича вилоят бош мураббийи Бахтиёр Холмиров. – Манتيкий ўйлаб, мушоҳада юритишга ва шу орқали галабага етаклайди.

Қизгин ўтган беллашувларда чирчиқлик Нурилла Уроловга тенг келадиган топилмади. 2-ўрин Андижондан ташриф буюрган Нажмиддин Муродовга насиб этди. 3, 4, 5-ўринларни Элбек Тўйчиев, Чори

Шердонов, Файрат Тошматов бўлишиб олдилар. Ёши улуғлар орасида Рискиддин Эсанбоев, Раббин Умаров энг яхши деб топилди.

– Бу каби турнирларнинг ташкил қилинаётгани биз ёшларга устозлардан ўрганиш, тенгкурлар билан тажриба алмашиш имконини берапти, – дейди қибрайлик Самандар Шермухаммедов. – Шундай қулайликларни яратиш, клубни ташкил қилишга ҳисса қўшган устозларимизга ҳар қанча миннатдорлик билдириш арзийди.

Ирода НОРОБОВА,
Қобилжон ҚОҒУРОВ
олган сурат.

Кўргазма

ҚУЁШЛИ ТОМОНЛАР ФОТОИЖОДКОР НИГОҲИДА

Ўзбекистон Бадиий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида "Қуёшли томонда..." деб номланган фотокўргазма ташкил этилди.

Бу борада кўрсатилаётган улкан меҳр ва эътибор фотоиждокорларни янги изланишлар сари илҳомлантирмоқда. "Қуёшли томонда..." деб номланган фотокўргазмани ҳам айни шундай илҳом ва изланиш натижаси десак, муболага бўлмайди.

Мазкур кўргазмада гўзал ва мафтункор, тинч ва осойишта Ватанимизни йилнинг тўрт фаслида ҳам қуёш тафти, тароватли тарқатмаслиги фототарбиянинг рангбаранг жанр ва услублари орқали яққол ақс этирилган. Моҳир фотосуратчи Владимир Жирнов ҳамда шогирдларининг фотосуратларида қалбга

яқин манзаралар – қорли чўққилар, мусофҳо осмон, гўзал боғ ва хиёбонлар, шарқираган фавворалар, бахтиёр юртдошларимиз, энг улуг ва азиз байрамларимиз, она Тошкентимиз завқли, ёрқин тарзда ифодаланган.

Кўргазмадан ўрин олган 70 дан ортиқ фотосуратнинг ўзига хос жиҳати – уларда нур ва соя, ёруғлик ва илқиклик, иждокорларнинг шу табарруқ заминга меҳр-муҳаббатни, ҳурмат ва эҳтироми, қалб ҳарорати томошабинларга моҳирона тарзда етказиб берилган.

Н. УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Кўзгудаги ўзимиз

Бадриддин ака билан маъракада учрашиб қолдик. Унинг ҳаётидан яхши хабардорман. Онадан эрта айрилиб, қийналиб катта бўлган. Институтга ҳам тўртинчи уринишда кириб, имтиёзли диплом билан тугатган. Туман марказидаги нуфузли идораларда ишлади.

У тўғри ва ҳалоллиги учун вақти-соати келиб, катта бир ҳўжаликка раҳбар этиб тайинланганда ҳам нафсига эрк бермади. Одамлар ўртасида эса қизиқ гап-сўзлар тарқалди:

– Янги раис уйдан тушлик олиб келиб, пилтада чой қайнатиб, ёлғиз ўзи тамадди қиларкан...

– Раис фермадан олган туҳумининг пулини чўнтагидан тўлабди...

– Раис ҳўжаликка келган комиссияни ошхонада овқатлантириб, харажат пулини раҳбарлардан йиғиб олибди.

– Али экспедитор уйига зиёфатга чақирган экан, раис еган-ичганини ўзича ҳисоблаб, кўрпачанинг тагига пул ташлаб кетибди...

Бу гаплар ростми-ёлғонми, билмадиган-аммо беркорга тарқамган эди. Раиснинг ҳалоллиги, тўғрилиги ҳўжаликдаги "каламўшлар"га маъқул келмади. Қандайдир йўллар билан раиснинг тагига "сўз қуйишди".

Ҳар қандай шароитда ҳам Бадриддин ака ўзлигини унутмади. Болаларига ҳалол ризқ бериб, улайтирди. Ўғилларининг

ЁШЛИКДА МЕҲНАТ БЕРСИН, ҚАРИГАНДА ДАВЛАТ



топар-тутари ёмон эмас.

Шулар ҳақида ўйлар эканман, Бадриддин аканинг қуйроқда ўтирган ўртоғи Асрор акага кўзим тушди. Унинг қовқоқлари салқинган, ранги саник, уст-бошлари бир ҳолатда эди.

Асрорнинг отаси савдодо ишларди. Оддий сотувчиликдан мажмуа раҳбари даражасига етди. Бироқ, унинг қовқоси осиб юриши, энг сўнгги русумда кийиниши, тагидаги "Волга" автобили олдида кўпчилик ўзини йўқотиб қўярди. Ёлғиз ўғли Асрор эса, қишлоқдаги энг тантик

бола эди. Мактабни битирган йилиёқ отасининг пули билан институтга кирди. Аммо, ўқиниш тугатиш Асрорга насиб қилмади. Отаси пора билан узоқ муддатга қамалиб кетди. Асрор билимсизлиги, отасининг давлати ҳам тугаб битганилиги учун ўқиниш давом эттиролмади.

Яхшиям, отасининг ёру бирдорларни бор экан, унга ҳам савдо соҳасидан шўш топиб беришди. "Бўрининг боласи бўри бўлади", деганларидек, Асрор отаси изидан бориб, молу дунё топишга киришди. Тез

орада пулнинг кучи билан отасини қамқадан чиқариб олди. 5-6 йилда хашаматли уйга, хориж автомобилга эга бўлди.

Ҳамма нарсанинг жавоби бўлганидек, бир етим болага ноҳақ урилган тарсаки ўзига гурзи бўлиб қайтди. Уйи, машинаси, мол-мулки мусодара қилинди. Ўзи панжара ортига кетиб, бола-чақаси "дом"даги ижара уйлاردан паноҳ топди.

Асрор "у" томонлардан келгунга қадар отаси бандаликини бажо келтирди. Ўғли уйдан чиқиб кетиб, бошқа шаҳардан уйланиб, ўша жойда яшаётган экан. Қизининг турмуши бузилиб, икки боласи билан онасиникига қайтиб келди. Етарли меҳнат стажига эга бўлмаган Асрор ака ва унинг ҳеч қаерда ишламаган хотини тайинли пенсия олмай, зўрға кун кечиринишаётган экан.

Хуллас, Асрор акага қариганда анча қийин бўлди. Унга юрагим ачишиб турган бўлса-да, эл орасидаги "Ёшликда меҳнат берсин, қариганда давлат" деган пурмазо ҳикматни эсладим. Бадриддин акага эса ҳавасим янада ортди.

Карим МАВЛОН.



ДАМ ОЛУВЧИЛАР ЎҚҚА ТУТИЛДИ

Американинг бир йўла икки штатида деярли бир вақтда икки номаълум шахс дам олувчиларга қарата қуролларидан ўқ отишди.

Биринчи ноҳус ҳодиса Мичиган штати Детроит шаҳри даҳаларидан бирда уюштирилган кечада содир этилди. Маҳаллий газетанинг ёзишча, баскетбол майдонидаги ногаҳоний хунрезлик оқибатида ўн киши оғир яраланди, улардан бири ҳаётдан кўз юмди. Жабрлангиларнинг уч нафари аёллар. 46 ёшли бир эркекнинг ҳаёти ҳаф остида, яна 21 ва 26 ёшли икки кишининг аҳоли оғир.

Иккинчи бахтсиз воқеа Пенсильвания штатидаги Филадельфия шаҳрида юз берди. Номаълум шахс сайилгоҳга тўпланган одамларга қарата қуролдан ўқ очди. Натижада етти киши – икки ва ўн ёшли бола, 15-25 ёшлардаги беш ўсмир ва йигитлар яраланди. Улар шифохоналарга ётқирилди. Икки боланинг аҳоли жуда оғир.

Детроит ва Филадельфия тергов органлари бу кўнгилсиз воқеалар нима сабабли юз бергани ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмас. Полиция ёвуз ниятли кишиларни излашга тушди.

МАШИНАНИ ОДАМЛАР УСТИГА ҲАЙДАДИ

Асли боснийлик бўлган ҳайдовчи Австриянинг Грац шаҳридаги автотранспорт бекатларидан бирида тўпаниб турган йўловчиларга катта тезликда келиб урилди.

Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг ёзишча, иси-шарифи ҳали маълум қилинмаётган ёвуз ниятли киши аввалига велосипедда келётган фуқарони уриб юбориб, сўнг машинасини бекатда турган одамлар устига бурди. Натижада, ўн киши шу жойнинг ўзида ҳалок бўлди, 34 киши турли даражада жароҳат олди. Шундан 6 киши жуда оғир аҳволда.

Маҳаллий телеканал эфирга узатган хабарда айтилишича, кейинчалик қотил ҳайдовчи ҳеч қандай қаршиликсиз ўзини полицияга топширган. Бироқ, бундан аввал бекатдагиларни босиб ўтган, машинасида тушиб, қўлида пичоқ билан омон қолган

йўловчиларни қувишга тушган. Штирия федераль ери хавфсизлик хизмати бошлиғи Йозеф Клямингер телеканалга берган интервьюсида таъкидлашча, жиноятчи оиласидаги жиддий муаммолар сабабли ноҳус руҳий ҳолатга тушиб қолган экан. Унинг гапларига қараганда, қотил ҳайдовчининг ҳеч қандай экстремистик ҳаракатларга алоқаси йўқ экан. Бўлиб ўтган фожиа фанатизм ва террорчилик хатти-ҳаракатларига ҳам мулкҳо алоқасиз, деди у.

Фожиа жойида 4 та вертолёт ва 60 та тез ёрдам машиналари ҳозир бўлиб, танглик комиссияси тузилди ва қўтқарув ишлари олиб борилди.

ГРЕЦИЯ ЕВРОЗОНАНИ ТАРК ЭТАДИМИ?

Европа Иттифоқи раиси Дональд Туск Грециянинг қарзлари билан боғлиқ вазиятни муҳокама қилиш мақсадида ўтган душанба кунини еврозонанинг навбатдан ташқари саммити қақчилганини маълум қилди.

Тускнинг таъкидлашча, учрашув ҳал қилувчи бўлмади. Чунки масаланинг техник жиҳатларини тартибга солиш молия вазирларининг вазифаси. Шундан сўнг Еврогурӯх бошлиғи Йерун Дейсселблум маълум қилди, саммит олдиндан еврозона мамлакатлари, молия вазирлари кенгашининг навбатдан ташқари мажлиси бўлиб ўтди. Кейинчалик эса учрашув кечиктирилди.

Греция Европа Иттифоқи ҳамда Халқаро валюта фонди билан 240 миллиард евро микдоридagi қарз масаласини ҳал қилиш учун музокаралар олиб бормоқда. Маълумки, ушбу қарз 2010 ва 2012 йилларда Греция бюджетини дефолтдан қўтқариш туфайли вужудга келганди. Кредитор-

ларнинг бюджетни қаттиқ танқид Грецияга қарзларини тўлаш имконини беради, деган башоратлари ўзини оқламади. Греция ҳокимияти тепасига шу йил январда келган янги ҳукумат кредиторлар билан янги музокаралар олиб боришга эришди. Бу музокаралар натижасида кетди ва қандай натижа билан тугаши номаълум.

Еврозона мамлакатлари молия вазирлари ўтган галдаги мажлисида илҳомдор дастури бўйича Греция билан келишувга эришолмадилар. Энди бирор тўхтама келиш мақсадида 30 июнь сўнгги муддат қилиб белгиланди. Вазирларнинг айтишича, Грециянинг еврозонани тарқ этиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

БУТУН ОИЛАСИ ВА ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛДИ

Франциянинг жануби-ғарбидagi Нормандия музофотида 70 ёшли пенсионер аввал бутун оиласини ўлдириб, сўнг ўз жонига ҳам қасд қилди.

Қурбонларнинг ҳаммаси пенсионернинг яқин қариндошлари, яъни хотини, қизи ва невараси эди. Жасадларни мудҳиш воқеадан бир кун ўтгач, боланинг отаси, яъни

қотилнинг қувви топди. Воқеа жойида тергов гуруҳи иш бошлади. Уларнинг мақсади пенсионер нима учун бундай разил ишга қўл урганини аниқлаш.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

УНУТИЛМАЙДИГАН МАТОҲ



фонларини бир зум унуттишмайди. Уси з уларга на уйқу бор, на ҳаётнинг қизиғи".

Шу ўринда савол туғилади. Масаланинг туб илдизи қаерда? Нима учун айрим ёшлар ҳаётга бунчалик енгил қараша-

япти? Барчасига жавоб шу қўл телефонлари эмасми? Ноҳус оқибатларни келтириб чиқараётган бу қурилмалардан узлуқсиз фойдаланаётган ёшларни қўра-била туриб, ота-она ва ўқитувчилар нега бепарволар?

Тўғри, таъйиқ ва қаттиққўллик билан қамолотга етишиб бўлмайди. Мухтарам Юртбошимиз таъкидлаганларидек: "Фикрга қарши фикр, гоёга қарши гоё, жаҳолатга қарши маърифат билан курашмоғимиз керак". Вайронкор гоёларни фақатгина бунёдкор гоёлар билан енга оламиз. Таълим муассасаларида ўқитувчилар, оилада ота-оналар фарзандларининг тақдирига бефарқ қарамай, уларнинг маънавиятини юксалтириш мақсадида дарсдан кейин қўшимча таълим марказлари ва турли спорт тўғаракларига олиб борсалар, бўш вақтларини назорат қилсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Зухра АХМЕДОВА,
Ангрени политехника касб-хунар коллежи ўқувчиси.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Манзиллиги:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

e-mail:

th.tp@mail.ru

Телефонлар:

Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).Бўлим муҳаррирлари ва
мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.

Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.

Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан
руйхатга олинган.Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир

Сайёра РИХСИЕВА

Навбатчи
Наргис ҲАСАНОВА

Саҳифаловчи

Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ